

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси фаолиятида
2016 йил давомида АКТ ва Ахборот хавфсизлиги
бўйича амалга оширилган ишлар**

Ўз фаолиятида ахборот технологиялари ва коммуникацияларини кенг жорий этилишини тизимли равишда амалга ошириш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда 2015 йил 25 декабрь санасида “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси фаолиятида ахборотлаштириш хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2016 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар Режаси” , 2016 йилнинг 22 февраль санасида “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш самарасини ривожлантириш бўйича 2016 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар Режаси” тасдиқланди ва ижроси таъминланди.

Шунингдек, 2016 йил 3 март санасида 17-и-сон буйруғи билан “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясининг конфиденциал маълумотлари тўғрисидаги Низоми” ва 2016 йил 3 март санасида 18-и-сон буйруғи билан “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясининг ахборотлаштириш хавфсизлиги Сиёсати” тасдиқланди.

“Ўздавдонинспекция” нинг 2016 йил 1 мартдаги 16-л-сон буйруғи билан АКТ бўйича бош мутахассис вазифалари инспекциянинг масъул ҳодимига юклатилди. 2016 йил 5 мартдаги 18-л-сон буйруғи билан меҳнат шартнома асосида Ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассис жалб қилинди.

Ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассисларни малакасини ошириш юзасидан Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги ИТ соҳасида Малака ошириш ва қайта тайёрлаш Маркази билан жорий йилнинг 12 январь санасида тузилган 59/16-сон Шартномага асосан 4 йўналиш бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш белгиланган бўлиб, апрель ойида “Давлат бошқаруви органларида ахборот хавфсизлиги тизимини жорий

этиш” йўналиши бўйича ўқув машғулоти ўтказилди. Жорий йилнинг 6-17 декабрь саналарида Ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассис Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги ИТ соҳасида Малака ошириш ва қайта тайёрлаш Марказининг “Ахборот хавфсизлиги” курси бўйича ўз малакасини оширди.

Жорий йилнинг 24 август - 6 сентябрь саналарида Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази мутахассислари томонидан инспекциядаги мавжуд тизим ва ресурслари (ишчи станциялар, сервер ва ахборот хавфсизлигини умумий жисмоний ҳолати) экспертизадан ўтказилди ва экспертиза натижаларига кўра чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, камчиликлар бартараф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги “Очиқ маълумотлар тақдим этилиши ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат порталини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 232-сон қарори ижроси бажарилишини таъминлаш юзасидан жорий йилнинг март ойида инспекциянинг расмий веб-сайтида “Очиқ маълумотлар” бўлими ташкил этилди ва унда Рўйхатга киритилган “Раҳбарият тўғрисидаги маълумотлар, қабул қилиш вақти” , “Идора жойлашган манзил (геолокация)” , “Асосий иқтисодий ва статистика маълумотлар, фаолият кўрсаткичлари” , “Вакант иш жойлари тўғрисида” очиқ маълумотлар тўпламлари белгиланган муддатларда эълон қилиб, борилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон “Ўзбекистон Республикаси “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида” ги қонунида белгиланган вазифаларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш бўйича комплекс чоралари тўғрисидаги” қарорига асосан 2015 йилнинг 11 ноябрь санасида “Ўздавдонинспекция” томонидан амалга ошириладиган амалий режаси тасдиқланган. Мазкур режага мувофиқ инспекция фаолияти бўйича инспекциянинг Ахборот хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини яхшилаш ҳамда хизмат фаолиятига юқори малакали мутахассисларни (журналистларни) жалб этиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2016 йил якунларига бағишланган мажлисини сифатли ва ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш мақсадида NIS.UZ тизимидаги “Ўздавдонинспекция” фаолиятига тегишли бўлган саволномалар жорий йилнинг 19 декабрь санасида янгиланди.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича 2016 йилда жами бўлиб 57,8 млн сўм, шундан АКТ бўйича мутахассисларни материал техник ва моддий таъминоти учун 38,4 млн. сўм, интернет тармоғига уланиш хизматлари учун 13 млн. сўм ва малака ошириш учун 4,5 млн. сўм сарф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2016 йил 10 майдаги “2013-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурини ижроси тўғрисида” ги 47-сонли баёни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги “Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 184–сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек Давлат дон инспекцияси томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестри шакллантирилишини ҳамда давлат хизматлари кўрсатишда идоралараро ахборот ҳамкорлигини таъминлаш ва мувофиқлаштириш мақсадида жорий йилнинг 7 июнь санасида 47-и-сонли ва 9 июндаги 50-и-сонли буйруғлари билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларини ягона реестри базасини шакллантириш, давлат хизматлари рўйхати тўлалигини таъминлаш, давлат хизматларини таҳлилий хатловдан ўтказиш бўйича мувофиқлаштирувчи доимий ишчи гуруҳ ташкил этилди ва унинг таркиби тасдиқланди.

Мазкур буйруқ билан ишчи гуруҳ зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан инспекция томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари таҳлилий хатловдан ўтказилди, амалдаги хизматлар рўйхатига қўшимча кўрсатилиши мумкин бўлган давлат хизматлари рўйхати

4 тадан 13 тага кенгайтирилди ва уларнинг норматив базаси (регламентлар, низом ва ҳ.қ.) ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида» ги 188-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 7 июнь санасидаги 48-и-сонли буйруғи билан масъул шахслар зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан “Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси томонидан интерактив давлат хизматлари Ягона портали ҳамда расмий-веб-сайт орқали кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари тартиби тўғрисидаги Низом” лойиҳаси ишлаб чиқилди ва электрон шаклда кўриб чиқиш ва хулоса бериш мақсадида “Электрон ҳукумати тизимини ривожлантириш Маркази” га юборилди.

2017 йилда ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда “Электрон ҳукумат” тизими механизмларини “Ўздавдонинспекция” фаолиятида жорий этиш ва ривожлантириш бўйича Манзилли Дастури” ҳамда “2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясида ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари Дастури” ишлаб чиқилди ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилди.